ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

# ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Йўловчи Шокирхўжа Темирхўжаев билан суҳбатлашиб қолдим. У Бўз районидан «Партия XX съезди» совхозининг «Ленин йўли» участкаси аҳолиси номидан Андижон область автомобиль трестининг бошқарувчиси Т. Раҳматжоновга арз билан бораётган экан.

— Бўз—Марғилон маршрути бўйича қатнайдиган автобуслар ноўрин тўхтатиб қўйилди, — деди Темирхўжаев куйиниб, — бу автобус Андижон, Фарғона областлари территориясидан ўтарди. Шунинг учун иккала область биттадан автобус ажратган эди. Лекин бу автобуслар арз қилиб турсак юради, индамасак тўхтаб қолади.

1984 йилда автобуслар қатнови тўхтатиб қўйилганида «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига хат ёзган эдик. Шундан кейин юргизиб қўйишганди. Мана, бир ойдирки, яна автобуслар кўринмай кетди. Бу гал Бўз район ижроия комитетига, халқ депутатлари Андижон область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари М. Тожихалиловага мурожаат қилдик. Лекин ҳануз автобуслардан дарак йўқ. Қийналиб кетдик. Қачонгача аризабозлик, қоғозбозлик билан овора бўламиз?!

Бу ҳол мени ўйлантириб қўйди. Йўловчининг жонсараклиги яхши, албатта. Бироқ, у ҳақмикан? Автотрест раҳбарлари бунчалик бепарволикка йўл қўймасликлари керак. Мен йўловчининг гапини депутатга наказ деб тушундим. Сўнгра Андижон область автомобиль трестида бўлиб, ўртоқ Т. Раҳматжонов билан учрашдим.

У билан суҳбатлашгач, кўп нарса ойдинлашди. Андижон область автоинспекцияси ходими С. Хожиматов, автотрест пассажир ташиш бўлими инженери А. Абдурасулов, йўл инженери Г. Шокиров, 37-автобаза техника хавфсизлиги бўлими ходимлари Т. Усмонов, А. Мирзажонов иштирокида ўтказилган рейдда Бўз—Марғилон йўлининг 6 километр қисми торлиги, унинг чап томонида зовур борлиги, автобус қатнови учун хавфли эканлиги аниқланган. Шунинг учун комиссия йўл тузатилгунча бу маршрутни беркитишга қарор қилган.

— Халққа хизмат қилиш бурчимиз, — деди бошқарувчи, — лекин таъқиқланган йўлга автобус қўйишга ҳаққимиз йўқ. Ўша қишлоқ аҳолисига қулайлик яратамиз деб 8 йил ноиложликдан тартибни бузиб келгандик. Кўза кунда эмас, кунида синади, деган гап бор. Агар авария юз берса одамлар ҳаёти хавф остида қолади. Йўл тузатилиши билан автобусни юргизиб қўямиз.

Мен бошқарувчининг фикрига қўшиламан. Биз кўпинча билиб-билмай автомобилчиларни койиймиз, улардан хафа бўламиз, дарров у ер бу ерга хатлар ёзиб ташлаймиз. Бу ўринда автомобилчиларда айб йўқлигини пайқадик. Биринчи навбатда «Бўз—Марғилон» йўлидаги зовурнинг бир қисми қирғоғига бетон тўсиқлар қўйиб, хавфсизликни таъминлаш керак. Область йўл қурилиши бошқармаси раҳбарлари бу ишни тезлаштиришлари зарур...

> ... Халқ хўжалигининг ҳам ишини яхшилашда транспорт ва алоқа муҳим роль ўйнайди. Аммо ҳозир транспорт комплекси зўр тиғизлик билан, ўз имкониятларидан паст даражада ишламоқда.
>
> (Ўзбекистон Компартияси XXI съезди материалларидан)

Бошқарувчи менга юқори ташкилотлардан бири номига ёзилган бошқа бир хатни кўрсатди. Уни айнан келтирмоқчиман:

«Ленинск автотаксомотор паркидан ҳар куни 30 та автобус ишга чиқмайди. Эҳтиёт қисмлар етишмаслиги, асбоб-ускуналарнинг эскилиги, ремонтнинг сифатсизлиги, автобуслар турадиган жойнинг нобоплиги туфайли шундай аҳвол юз беряпти. Пассажирларнинг кўп вақти машина кутиш билан ўтмоқда...

**Л. И. САРКИСЯН,**
**Г. ГОРДЕЕВ,**
**партия ветеранлари.**
**Марҳамат райони.**

— Бу хатда ҳаётий масала кўтарилган, — деди бошқарувчи, — фактлар тўғри. Чиндан ҳам бу ерда аҳвол оғир. Автопаркни қайта қуриш керак. Лекин юқори ташкилотларнинг ёрдамисиз бу ишни ҳал қилолмаймиз. Биз бу хатни авторлар иштирокида муҳокама қилдик, ўзимизга боғлиқ масалаларни ҳал этдик.

..Ўтган беш йилда Андижон областида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳажми анча ошди. Ленинск шаҳрида янги автовокзал, район марказларида 5 та автостанция қурилди. 76 та янги автобус маршрути очилди. 24 та маршрут бўйича микроавтобус қатнови йўлга қўйилди.

Шунга қарамасдан шаҳарда пассажирларга хизмат кўрсатиш маданияти талаб даражасида эмас. Йўловчиларнинг автобус хизматига бўлган эътирози камайгани йўқ. Бу ҳақда Андижон шаҳар партия конференциясида машинасозлик заводининг директори А. Аникин шундай деган эди:

— Маршрутдаги автобусларнинг график бўйича қатнамаслиги оқибатида кўпгина ишчилар сменага кечикиб келмоқдалар. Заводда иккинчи смена тугаганда, маршрутдаги автобуслар қатнови тўхтаган бўлади. Шунинг учун ишчилар сменани эртароқ тугатишга мажбур бўлишмоқда. Ана шу ҳисобга ҳар куни минглаб сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилапти.

Бундай аҳвол бошқа корхоналар, ташкилотларда ҳам содир бўлаётир. Бунга машиналарнинг ишга чиқиш коэффициенти пастлиги, графикнинг тез-тез бузилиб туриши сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Область бўйича ҳар куни ўнлаб автобус, микроавтобус, енгил машина ишга чиқмаётганлиги ташвишли ҳолдир. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги бу масалани чуқур ўрганиб, тегишли ёрдам кўрсатади, деган умиддамиз.

Андижон шаҳрида аҳоли жуда зич жойлашган. Лекин пиёдалар кўп тўпланиб қоладиган жойларда ер ости йўли қурилиши тўғрисида 8 йилдан бери гап бўлади. Бироқ Андижон область ижроия комитетининг капитал қурилиш бош бошқармаси бу масалани юқори органлар олдига нима учундир принципиал қўймаяпти.

Андижон шаҳрида 300 автобусга мўлжалланган автомобиль парки қурилиши керак. Смета-лойиҳа ҳужжатлари тайёр. Республика Госплани уни тезроқ планга киритса яхши бўларди.

Аҳолига транспорт хизматини яхшилаш кўп жиҳатдан йўлларга ҳам боғлиқ. Йўллар кенг, равон, текис бўлиши керак. Андижон область автомобиль йўллари қурилиши ва ундан фойдаланиш бошқармаси коллективи бу соҳада анча ишлар қилган бўлишига қарамай областда ҳали нобоп йўллар кўп. Бунинг устига ўзбошимчалик билан йўлларни бузиш ҳоллари учраб туради. Бу ўринда алоқачилар, газчилар, энергетиклар, хўжаликлар, ташкилотларнинг раҳбарларига ҳам эътирозларимиз бор.

Москва районидаги Киров номли колхоз раҳбарлари ҳеч ким билан келишмай область аҳамиятига молик бўлган «Сарай-Абдибий-Эшон» йўлини кавлатиб юбордилар. Оқибатда шу колхознинг тракторчиси аварияга йўлиқди ва жароҳатланди. Транспорт қатнови қийинлашди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кўриниб турибдики, транспорт хизматини яхшилаш билан боғлиқ муаммолар кўп. Уларни ҳал қилишда маҳаллий Советлар, депутатлар ташаббус кўрсатишлари керак.

**Майрамхон МАЛИКОВА,**
**Андижон «Электродвигатель» заводининг ишчиси, СССР Олий Советининг депутати.**



СУРХОНДАРЁ. Шўрчи районидаги Жданов номли колхоз бош чўпони Эрмўмин Мусурмонов 26 йилдан буён яйлов кезади. У ўз отаридаги 430 ҳисори қўйнинг ҳар юз бошидан 110 тадан қўзи олишни кўзлаб меҳнат қилаётир.

Суратда: бош чўпон Э. Мусурмонов.

Ж. Тўраев фотоси.

# МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

## ПИЛЛАЧИЛИК ТАШВИШЛАРИ

Хоразм область тут-ипак наслчилик совхози коллективи ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлади. Биргина ўтган йилнинг ўзида хўжаликда 3 миллион 100 минг туп аъло навли тут кўчати етиштирилди. Пилла тайёрлаш плани ҳам ошиғи билан адо этилди. Давлатга 1850 килограмм уруғлик пилла топширилди.

Совхоз коллективи янги 1986 йилга дадил қадам қўйди. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили вазифалари ижросига дастлабки кунларданоқ киришилди. Ҳозир айни қиш фасли бўлишига қарамасдан тутзорларда иш қизғин. Озуқа экинларидан бўшаган кўчат оралиқлари майдонларининг шўри ювилиб, уларга пешма-пеш маҳаллий ва минерал ўғитлар солинмоқда. Дарахтларга шакл беріляпти. Далалар асосан текисланиб, йириклаштирилмоқда. Сийраклашган, ола қолган кўчатлар ораларига, ариқ бўйларига янгидан 15 минг туп тут кўчати экилди. Кексайган, кам ҳосил тут дарахтлари ўрнига районлаштирилган ниҳоллар ўтқазиляпти. Область колхоз ва совхозларига сотиш учун 2,5 миллион туп тут ниҳоли тайёрлаб қўйилди.

Ҳар гектар суғориладиган майдондан пландаги 2 минг 200 сўм ўрнига нақд 2500 сўмдан даромад қилдик. Кам ҳосилли далаларга кўплаб маҳаллий ўғит, эски девор кесаклари солдик. Илғорлар тажрибасини кенг қўлладик. Амалга оширилган бу ишларда О. Собиров, Р. Бахшиев, О. Тожиев, Э. Бекжонов, И. Солиев сингари ўнлаб ишчи, механизатор ва сувчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Лекин булардан совхозимизда ҳамма ишлар яхши деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳали ечимини кутиб турган муаммолар жуда кўп. Масалан, ўтган йили план бўйича 1300 килограмм тут уруғи реализация қилишимиз лозим эди. Бироқ марра эгалланмади. Чунки май ойи охирларидаги кучли довул тут меваларини ерга тўкиб кетди. Қишдаги қаттиқ совуқ туфайли 33 гектар майдондаги сербарг тутзордан ҳам кам ҳосил олинди. Ҳар гектар майдондан 28 центнер ўрнига 14 центнердан барг йиғиштирилди. Қолаверса, ерларимиз унумдорлиги ҳам талаб даражасида эмас. Мелиоратив ҳолати ёмон.

Совхозимиз меҳнаткашлари ана шу муаммолар ечимида республика Давлат агросаноат комитетининг пиллачилик бош бошқармаси ва тармоқнинг область, район идоралари раҳбарларидан ёрдам беришларини умид қиладилар. Зеро, уларнинг ўн иккинчи беш йилликда, ҳатто 2000 йилгача бўлган режалари янада катта ва кенг миқёсли. Биргина шу йилнинг ўзида тут етиштиришни 5 миллион тупга, тут уруғи етиштиришни 1400 килограммга етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Б. СОБИРОВ,**
**совхоз бош агрономи.**

## МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

**ГРАФИКДАН ЎЗИБ**

**● «Хорезмсовхозводстрой» тресги Янгибозор қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор механизатори Раис Мухамедшин бошқараётган экскаваторнинг иш унуми кунлик нормадан уч баравар ошиб кетмоқда. Ўтган беш йилликда Р. Мухамедшин ўн беш йиллик нормани бажарди. У ҳозир ҳам графикдан ўзиб меҳнат қилмоқда: шахсий квартал топшириғини ҳозирнинг ўзидаёқ бажариб қўйди.**

**Раис Мухамедшин экскаваторда кўп йиллардан буён ишлайди. Шу вақт ичида унинг маҳорати анча ўсди. Машинани ҳамиша намунали тутиб, унинг планда кўзда тутилган бекор туришини ҳам тугатди. Лекин шахсий муваффақиятлар моҳир ишчининг асосий мақсади эмас. У тажрибаси ва билимларини шогирдларига, касбдошларига ўргатмоқда. Шунинг учун ҳам ёш ўртоқлари — экскаваторчилар Юсуф Эрматов, Йўлдош Собиров ҳам яхши натижага эришмоқдалар.**

**Бошқарманинг барча ходимлари илғорларга тенглашишга ҳаракат қилишяпти. Коллектив икки ойлик ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан аввал адо этди. Йил бошидан буён 15 километр хўжаликлараро янги суғориш тармоғи қурилди, 50 километр зовур тозаланди.**

**ЎРНАК**

**● Бувайда районидаги Калинин номли колхоз фермасининг оператори Хурсаной Акбарова йил бошидан буён 25 бош сигирнинг ҳар биридан ярим тоннадан кўпроқ сут соғиб олди. Сут соғувчининг маҳорати, чорва моллар учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилганлиги, сигирлар яхши парвариш қилинаётганлиги туфайли бу муваффақиятга эришилди. Х. Акбарова йил давомида ҳар бош сигирдан 3800 килограммдан сут соғиб олишга ваъда берди. Коммунистдан ўрнак олган ферманинг бошқа ходимлари ҳам шахсий мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар.**

**(ЎзТАГ).**

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ОЗУҚА

# ТОПИНАМБУР ХОСИЯТИ

**Кейинги вақтда республикамизнинг айрим хўжаликларида чорва маҳсулдорлигининг пасайишига йўл қўйилаётганлиги сир эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири ана шу жойларда етарли миқдорда ем-хашак жамғарилмаётганлигидир. Чорвадорларнинг фикрича озуқа танқислиги асосан ем-хашак экинлари етиштириладиган майдонлар камайиб мавжуд ерлардан интенсив фойдаланишга эътибор сусайиб кетаётганлиги натижасида содир бўлмоқда.**

**Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ҳам чорвачиликни юксалтириш, гўшт ва сут етиштиришни жадал кўпайтириш, молларни йил бўйи тўйдириб боқишга етадиган озуқа базаси яратиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бунинг учун мўл ва сифатли ҳосил берадиган истиқболли озуқа экинлари етиштиришни йўлга қўйиш кераклиги уқтириб ўтилди. Ана шундай истиқболли озуқа экинларидан бири топинамбурдир. Қуйида бу қимматли озуқанинг хусусиятлари, афзалликлари ҳақида ҳикоя қиламиз.**

**ИЗЛАГАН ТОПАДИ**

Восил Содиқов сўнгги ярим ой ичида чорвачиликка оид қанчадан-қанча адабиётларни кўриб чиқди. К ў п л а б янгиликлардан хабардор бўлди. Лекин битта кичик брошюра уни шундай қувонтириб юбордики, кўнгил хиралиги бирдан тарқалгандек бўлди. Китобчада барча турдаги чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, айниқса, она чўчқалардан соғлом насл олиш ва уларнинг яхши ривожланишига катта ёрдам берувчи янги озуқа — топинамбурнинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берилганди. У кўп ўтмай қардош Украина ССРнинг Харьков областига йўл олди.

Область агросаноат бирлашмаси раҳбарлари директорга қимматли озуқа уруғидан олишга бажонидил кўмаклашишди. Мутахассислар эса, унинг агротехникаси ҳақида сўзлаб бердилар.

**КОНИ ФОЙДА**

Топинамбур картошка билан кунгабоқарни чатиштириш орқали етиштирилган бўлиб, асли ватани Жанубий Америкадир. Ҳозир у мамлакатимизнинг Украина ССР, Белоруссия ССР ва Болтиқ бўйи республикаларида экилмоқда. Тажрибаларнинг кўрсатишича, топинамбур чорвачиликни интенсивлаш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлашда катта самаралар беряпти. Поя қисмидан моллар учун яшил озуқа сифатида фойдаланиш билан бирга силос бостириш, пичан, витаминли ўт уни олиш мумкин.

Илдиз меваси (Ер ноки)нинг хосияти эса беқиёс. У картошкага ўхшаса-да, шираdорлиги билан ажралиб туради. Илдиз мевани турли овқатлар тайёрлашда ишлатиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари хомлигича истеъмол қилинса, қандли диабет билан оғриган беморларни даволашда катта наф беради. Ер нокидан хуштаъм алкоголсиз ичимликлар тайёрлашда ҳам кенг фойдаланиляпти.

Топинамбур барча турдаги молларнинг маҳсулдорлигини оширишда катта самаралар бермоқда. Унинг бир центнер яшил массаси таркибида 22, бир центнер илдиз меваси таркибида эса 23 озуқа бирлиги мавжуд. Олимлар ва мутахассисларнинг маълумотлари, хўжаликлар тажрибаси у экилган ҳар гектар ердан 800—1000 центнер яшил масса, 500—800 центнердан илдиз мева олиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ер нокининг таркибида 20 процентгача инулинс углеводи бўлиб, у моллар организмида қанд моддасига айланади. Натижада чўчқалар тез семиради, гўштининг сифати ортади. Топинамбурнинг илдиз меваси жуда кўп бўлиб, атрофга кенг тарқалиб кетади. Ковлаб олинганда ҳам бир қисми тупроқ остида қолади. Ҳаво очиқ кунлари она чўчқаларни ҳосили кавлаб олинган майдонларга қўйиб юборилса жониворлар ерни кавлаб, ўсимлик қолдиғини топиб ейди. Натижада уларнинг қони яхши юришади, касалликка чалинмайди, соғлом насл беради. Топинамбур таркибида зол ва темир моддаси кўплиги сабабли у янги туғилган чўчқаларни ҳам, бузоқлар, қўзи, улоқларни ҳам камқонлик касалидан асрайди ва ёш молларнинг нобуд бўлишини кескин камайтиради.

**ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ**

«Рассвет» совхози чорвадорлари 1984 йилнинг апрель ойида 1,5 гектар ерга топинамбур экишди. Шу йили жами 585 центнер илдиз мева олишга эришилди. Бу ҳар гектар ердан 450 центнердан ҳосил олинди демакдир. Шунинг бир қисми уруғлик учун бошқа хўжаликларга сотилди. Бир қисми чўчқалар ва қорамолларга едирилди. Ҳосил кавлаб олинган майдонларнинг атрофи ўралиб она чўчқалар боқилди. Натижа кутилганидан ортиқ бўлди. Олинган чўчқа болаларининг асосий қисмини сақлаб қолишга эришилди.

Моллар тўйимли озуқа билан боқилганлиги туфайли уларнинг семириши ҳам тезлашди. Масалан, ўтган йили молларни 3135 тонна семиртириш планлаштирилган эди. Амалда бу кўрсаткич 3140 тоннани ташкил этди. Қорамолларнинг ўртача суткалик семириши 780 граммни, чўчқаларники 455 граммни ташкил этди. Гўштга топширилаётган қорамоллар 445, чўчқалар 130 килограмм тош босмоқда.

— Лекин бу кўрсаткичлар бизни мутлақо қониқтирмаётир, — дейишди хўжалик чорвадорлари, — тармоқни юксалтиришнинг асосий омили бўлган озуқа базасини мустаҳкамлашда дастлабки қадам қўйилди. Ўтган йили 25 гектар ерга топинамбур экиб, ҳар гектар ердан 500 центнердан ҳосил олишга эришдик. Мақсадимиз — хосиятли экин майдонларини йил сайин кўпайтириб, ҳам ширали, ҳам тўйимли озуқа салмоғини моллар рационида кўпроқ бўлишини таъминлашдан иборат. Ана шунда совхозимиздаги барча моллар маҳсулдорлигини анча ошириш имконига эга бўламиз.

Бунинг учун топинамбур етиштириш агротехникасини деҳқонларимиз мукаммал эгаллаб олишлари лозим. Очиғини айтиш керакки, ўтган икки йил ичида топинамбур поясини ўз вақтида ўрмай, муддатини ўтказиб юборганлигимиз туфайли у қуриб қолди. Шу сабабли кўнгилдагидек самара ололмадик. Бу йил ана шу нуқсонларни бартараф этиб, ўсимликни агротехника қоидалари асосида парваришлаш билан уни ўз вақтида йиғиштириб олишни кўзлаяпмиз. Мақсадимиз омилкорлик билан иш юритиб, 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 980 центнердан яшил масса, 790 центнердан илдиз мева олишдан иборат.

Ҳозир хўжалик далаларида бўлган киши қизғин меҳнат маромига гувоҳ бўлади. Миришкорлар яхшилаб ишлов берилиб, унумдорлиги оширилган пайкалларга топинамбур экишни уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Улар хосиятли экин шарофати туфайли оз ер майдонидан иложи борича кўпроқ озуқа олиш ҳисобига гўшт етиштиришни кескин кўпайтириб, мамлакат Озиқ-овқат программасини бажарилишига салмоқли ҳисса қўшишдек эзгу мақсад йўлида жонбозлик кўрсатишмоқда. Бу — Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларига Тошкент область Калинин районидаги «Рассвет» совхози чорвадорларининг амалий жавоби бўлиши, шубҳасиз.

**К. РИХСИЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

## ДУНЁ воқеалари
ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

# М. С. ГОРБАЧЕВнинг ЖАВОБ МАКТУБИ ТОПШИРИЛДИ

**ТОКИО. 13 февраль. (ТАСС).** Иккинчи жаҳон уруши охирида Америка томонидан атом бомбардимони қилинган Япониянинг Нагасаки ва Хиросима шаҳарларида ана шу икки шаҳар Мэрларига КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг жавоб мактубини топшириш маросими бўлди.

Нагасаки шаҳри мэри Хитоси Мотосима маросимда сўзга чиқиб бундай деди: М. С. Горбачев мактубининг мазмуни атом бомбардимони оқибатларини ўз бошидан кечирган шаҳримиз аҳолисининг энг эзгу орзуумидларига мос бўлиб тушади. Мен Совет тинчлик ташаббусларининг, жумладан жавоб мактубида баён этилган Совет Иттифоқи 2000 йилга қадар ядро қуролини тугатишга эришиш мақсадида конструктив амалий қадам қўйишга тайёр эканлигининг муҳим аҳамиятини таъкидлаб ўтишни истайман.

Биз Совет Иттифоқининг ядро қуролини тақиқлашга қаратилган конкрет ҳаракатларини ва аввало ядро портлатишини ўз ихтиёри билан тўхтатиб қўйганлигини юксак баҳолаймиз, деб давом этди Х. Мотосима. Биз СССР ядро қуролига эга бўлган давлатлар орасида биринчи бўлиб ядро синовларини тўхтатишини эълон қилганлигини чин қалбимиздан табриклаймиз.

Хиросима шаҳри мэри Такэси Араки мактубни қабул қилиб олаётиб бундай деди: атом бомбардимони қурбонлари ёдгорлигига ёзиб қўйилган ва М. С. Горбачевнинг жавоб мактубида келтирилган «Хотиржам ухланг, хато такрорланмайди» деган сўзлар бизнинг ҳистуйғуларимизни Совет халқи чуқур тушунаётганлигидан, дунёни ядро қуролидан халос этишга астойдил интилаётганлигидан далолат беради. Бу интилиш чуқур таассурот қолдиради. Совет Иттифоқи шу соҳада актив ҳаракат қилди. Биз, Хиросима аҳолиси, СССР айни 6 август — шаҳримиз атом бомбардимони қилинган кундан эътиборан ядро портлатишларини тўхтатганлигини яхши эслаймиз. Бу муҳим қадамни Хиросима аҳолиси юксак қадрлайди.

Жавоб мактуби учун атом бомбардимони жабрдийдалари ташкилотлари Япония конфедерациясининг раиси Сэндзи Ямагути билан ана шу конфедерация ҳамраиси Сакаэ Ито Нагасаки ва Хиросиманинг бутун аҳолиси номидан Совет раҳбарига чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар. Янги совет тинчлик ташаббуслари каби жавоб мактуби ҳам Совет Иттифоқи ядро қуролини тугатиш, инсониятни ядро уруши даҳшатидан халос этиш учун сўзда эмас, балки амалда ҳаракат қилаётганлигидан далолат беради, деб таъкидлади С. Ямагути.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

# СССР-КХДР: БИРДАМЛИК ЙЎЛИДАН

**Пхеньяндаги йирик корхоналардан бири— электровозсозлик заводининг клуби одатдагидан гавжум. Клубга йиғилганлар Совет Иттифоқи вакилларини самимий қутловлар, СССР ва КХДР халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстликни мадҳ этувчи рус ва корейс тилида ёзилган транспарантлар билан кутиб олдилар.**

Бу ерда Корея—Совет дўстлиги митинги бўлди. Иш жойларидан тўғри митингга келган ишчилар ва инженерлар советлар диёрининг бугунги куни ҳақидаги ҳикояни зўр эътибор билан тингладилар. Митинг аҳли корхона директори Пак Сун Бомнинг социализм қуриш ишида Корея халқига кўрсатган ёрдами ва уни қўллаб-қувватлагани учун совет халқига билдирган миннатдорчилик нутқини қарсаклар билан кутиб олди.

Мана қирқ йилдан ошдики, Шимолий Корея узра озодлик байроғи ҳилпираб турибди. КХДР шаҳарлари ва қишлоқлари гуллаб-яшнамоқда. Шоликорлар, машинасозлар, шахтёрлар, денгизчиларнинг меҳнат зафарлари кўпаймоқда. Социализм ғалабаларини ҳимоя қилишда халқ армияси жангчилари ҳамиша сергак турибдилар. Ахир, Корея ярим оролида ҳали ҳам нотинчлик. 40 мингдан зиёд Америка ҳарбийлари ин қурган жанубдан тез-тез ўқ овозлари эшитилиб турибди. Жанубий Кореяга Америка ҳарбийларининг жойлашиб олганлиги, айнан шу нарса, ярим оролдаги кескинликнинг асосий манбаи ва Кореянинг тинч бирлашуви учун жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

СССР ва КХДРнинг ҳамкорликдаги курашда туғилган ва давр синовидан ўтган дўстлиги Халқ Кореяси эришган социалистик муваффақиятларининг ишончли гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Янги жамият қуриш даги мақсадлар муштараклигига асосланган ўзаро муносабатлар сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда тобора самарали тус олмоқда. Бу Корея Меҳнат партия Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен Совет Иттифоқига 1984 йилда қилган визити вақтида эришилган Шартномани ҳаётга татбиқ этиш учун ҳар икки томоннинг астойдил интилаётганлигида ўз аксини топади. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланиши негизини СССР билан КХДР тузган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома ташкил этади. Бу Шартнома имзоланганлигининг 25 йиллиги шу йил июль ойида нишонланади.

Кейинги пайтларда ҳар икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар сезиларли даражада ривожлантирилди. Яқинда имзоланган битимга биноан шу беш йилликда Халқ Кореясида Совет Иттифоқи ёрдами билан саккизта халқ хўжалик объекти қуриб битказилади ва реконструкция қилинади. Республикадаги биринчи атом электростанцияси, Пхеньяндаги иссиқлик энергетика маркази, тўқимачилик комбинати шулар жумласидандир. Совет Узоқ Шарқи ва Сибирь районлари эҳтиёжлари эътиборга олиниб, темир йўл юк вагонлари, кемалар, кенг истеъмол моллари ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигининг бошқа турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кооперация кенг қулоч ёздирилади. Бу кооперациянинг муҳим вазифаларидан бири — КХДР меҳнат ресурсларини Совет Иттифоқининг фан-техника ютуқлари ва молиявий имкониятлари билан бирлаштиришдир.

Совет олий ўқув юртларида таълим олаётган кореялик талабалар ва аспирантларнинг сони кундан кунга ортиб бормоқда. Пхеньянда СССРга ўқишга юбориладиган йигит ва қизларга рус тилини ўргатувчи бир группа совет ўқитувчилари меҳнат қилмоқдалар. Бадиий коллективлар, кўргазмалар алмашуви ҳар икки қардош мамлакат маданиятини бойитиш учун имконият туғдирмоқда.

**(АПН).**

## ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

ЖЕНЕВА. 13 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда ядро ва космик қуроллар юзасидан Совет—Америка музокаралари доирасида ўртача олислик ядро қуроллари масалалари билан шуғулланувчи группанинг мажлиси бўлди.

# ПРЕЗИДЕНТ РЕЙГАННИНГ АФҒОНИСТОНГА ДАҒДАҒАСИ

Президент Рейган Афғонистон Демократик Республикаси Америка Қўшма Штатлари билан савдо-сотиқда энг қулай шароит яратиб берилиши ҳуқуқидан маҳрум этилишини айтди. Бу, жумладан, Америка Қўшма Штатларига келтирилаётган ҳар қандай афғон молларига бож солиқлари кескин ошишини билдиради.

Америка президентининг Афғонистонга қарши бу ҳуружи афғон халқи учун ҳам, жаҳон жамоатчилиги учун ҳам тасодифий ҳодиса бўлгани йўқ. Ассошиэйтед Пресс агентлиги Афғонистон — Америка савдо-сотиғи ҳажми жуда камайиб кетганини таъкидлаб ўтган эди. Иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ алоқаларининг пайи аллақачон қирқилган эди. 1978 йил Апрель революцияси ғалабасидан кейин АҚШ бошчилигидаги Ғарб мамлакатлари Афғонистон билан тузилган савдо-иқтисодий битимларни бир томонлама бузиб, ҳатто ҳали қуриб битказилмаган объектлардан ҳам ўз мутахассисларини чақириб олдилар. Бир қанча иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда Ғарбнинг иштироки 15 процентдан бир процентга тушиб қолди.

Афғонистон Демократик Республикасига қарши ўтказилаётган иқтисодий, савдо ва молиявий камситиш чоралари Вашингтон сўнгги йилларда Афғонистонга қарши қилаётган қўпорувчиликдан бир шингилдир, холос. Оқ уй АДР билан барча муносабатларнинг илдизига болта уриш билан бир вақтда аксилинқилобчиларга ёрдамни кучайтиришга қарор қилди. Американинг расмий манбаларига кўра, 1980 йилдан бери АҚШ афғон халқига қарши қўпорувчилик фаолиятига 300 миллион доллардан кўпроқ маблағ сарфлади. Айни вақтда, босмачи тўдаларга Марказий Разведка Бошқармаси ва Пентагон йўли билан оқиб келаётган миллион-миллион долларлар бу ҳисобга кирмайди.

(ТАСС).

